

Одамларнинг энг золими

05:00 / 03.03.2017 3276

Аллоҳ таоло: «**Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир**», деган (Нисо, 29).

Ҳаёт Аллоҳ томонидан берилган ҳақ бўлгани учун уни ҳеч ким бировга миннат ҳам қила олмайди, ман ҳам қила олмайди. Инсоннинг ҳаётини Фақат Аллоҳ таологина олишга ҳақли. Ҳаттоки, ўша ҳаёт неъматини берилган киши ўз ҳаётига ўзи ҳам суиқасд қила олмайди. Исломда бировни ўлдириш қанчалик ёмон олинса, ўзини ўзи ўлдириш ҳам шунчалик ёмон олинади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўзини темир асбоб билан ўлдирса, жаҳаннам оташи ичида ҳам ўзини абадулабад ўша темир асбобини қўлида тутиб, ўз қорнига уриб туради. Ким ўзини ўзи тоғдан ташлаб ўлдирса, жаҳаннам оташи ичида ҳам ўзини абадулабад тоғдан ташлаб туради», деганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини ўзи ўлдирганга жаноза намозини ўқимаганлар.

Аллоҳ берган улуғ неъмат —ҳаёт неъматига, буюк инсоний ҳуқуқлардан бўлган ҳаёт ҳаққига ношукр бўлган, уни оёқости қилган нобакор шахснинг жазоси шундоқ бўлади

Исломда нафақат ўзини ўлдириш, балки, ўзига ўзи ўлим тилаш ҳам ман қилинган. Ўзига ўлим тилаган Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳуга Пайғамбар алайҳиссалом:

«Эй амаки, ўлим тилама, агар сен яхши бўлсанг, ўлимнинг орқага сурилиб, яхшилигингга яхшилик зиёда бўлгани сен учун яхшидир. Агар ёмон бўлсанг, ўлимнинг орқага сурилиб, ёмонлигингдан қайтсанг, сен учун яхшидир. Бас, ўлимни тилама», деганлар.

Жамиятга манфаат берадиган нарсалар Аллоҳнинг ҳаққи ҳисобланишини яхши биламиз. Лекин ушбу муштарак ҳақда Аллоҳнинг ҳаққи ғолибдир. Чунки мазкур нарсаларнинг жамиятга келтирадиган нафлари умумийдир.

Шунинг учун ҳам, мусулмон киши ўз жонига, саломатлигига, молига ва ақлига суиқасд қила олмайди. Жон ўзимники, деб ўзини ўзи ўлдира олмайди.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бизга Жундуб ибн Абдуллоҳ ушбу масжидда ҳадис айтиб берган. У бизга ҳадис айтиб берганидан бери унутганимиз йўқ. Жундуб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон гапирган деб кўрқмаймиз ҳам.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан олдин ўтганлар ичида бир жароҳатланган киши бўлган эди. Бас, у чидамади. У пичоқни олиб, қўлини кесди. У ўлгунича қони тўхтамади. Шунда Аллоҳ:

«Бандам шошилиб ўзини ўлдирди. Унга жаннатни ҳаром қилдим», деди», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Агар бу ҳадиси шарифда ўтган қавмлар ҳақида ҳикоя қилинса ҳам аслида мусулмонларга насиҳат кўзда тутилган. Баъзи ҳолларда ўзига етган жароҳатга сабр қилмай ўзини ўзи ўлдириш мутлақо мумкин эмас.

Умуман, олганда мусулмон киши ўзига хоҳ бу дунёда, хоҳ у дунёда зарар келтирадиган ҳар қандай ишни қилиши мумкин эмас. Бу ман қилишда жамиятнинг фойдаси ҳам кўзда тутилган. Чунки ўзига ўзи ёмонликни раво кўрган киши ўзгаларга ёмонликни раво кўриши турган гап.

Демак, мусулмон киши нафақат бошқа одамларга, ҳайвонот оламига, наботот оламига зарар етказиш, зулм қилишдан четда бўлиши, балки ўзига зарар етказиш ва зулм қилишдан ҳам четда бўлмоғи лозимдир.